

**Мавзу: Хорижий инвестицияларни
жалб қилишни
рағбатлантиришнинг замонавий
шакл ва усуллари**

Муаллиф: Намозов Жўрабек

Мавзу: Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг замонавий шакл ва усуллари

Режа:

- 1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар.**
- 2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.**
- 3. Хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари.**

1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар

Республикада хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкидан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар берилади.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан 100 фоиз озод қилинади;

-мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

-ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

-ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;
- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидандан ташқари барча солиқлардан озод;
- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР



Жами корхоналар сони (2017 йил) шу жумладан:	5517 та
Охирги йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони	863 та
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1600 дан ортиқ
Корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси (млрд. долл.) (26,9 млрд.долл. республика товар айланмаси)	6,9
Умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши	25,6 %




**Фаолият кўрсатаётган хорижий сармоя иштирокидаги
корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби, %**

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар сони	4804	5008	5517
ш.ж.: саноат	45,5	45,0	44,2
қурилиш	4,8	5,0	5,3
транспорт ва алоқа	4,1	4,4	4,0
савдо ва умумий овқатланиш	19,6	19,4	19,1
бошқалар	22,3	26,2	27,4
Рўйхатдаги ходимларнинг ўртача сони, минг киши	177,9	189,5	203,0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ, 2017 й.

Республика экспортидаги улуши


Умумий экспорт
ҳажми, 12,9
млрд. доллар



Хорижий
сармоялар
иштирокидаги
корхоналар
экспорти - 2,6
млрд. доллар
(20,1 %)

Республика импортидаги улуши

Умумий импорт
ҳажми, 14,0
млрд. доллар



Хорижий
сармоялар
иштирокидаги
корхоналар
импорти - 4,3
млрд. доллар
(30,7 %)

3. Хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари

Хорижий кредит линиялари орқали лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий шартлари:

- 120-125 % гаров таъминотининг мавжудлиги;
- молиялаштирувчи халқаро ташкилотга аъзо давлатлардан ва молиялаштирувчи банк мамлакатидан технологик ускуналарнинг сотиб олиниши;
- ажратилган кредит маблағларини қайтариш муддатлари - 5-6 йил;
- лойиҳа ташаббускорларининг шахсий маблағлари лойиҳанинг умумий қийматида 15-25 % ни ташкил этиши;
- кредит фоизлари 9-12 % (АҚШ долларарида), 8-11 % (еврода).

Хорижий кредит линиялари орқали лойиҳаларни молиялаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар:

- бизнес-режа ёки лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари;
- корxonанинг охириги 3 йиллик молиявий ҳисоботи;
- корxonанинг низоми ва таъсис шартномаси;
- олиб кириладиган асбоб-ускуналарнинг техник паспортлари;
- хом-ашё етказиб берувчи билан шартномалар нусхалари;
- ишлаб чиқарилиши кутилаётган маҳсулот бозорларининг маркетинг тадқиқотлари ва бошқа ҳужжатлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мавжуд хорижий кредит линиялари

Ислом тараққиёт банки – 15 млн.долл., LIBOR+2,5% (ИТБ маржаси) йиллик + 3% гача банк маржаси, 10 йилга

Хусусий секторни ривожлантириш буйича Ислом корпорацияси – 18.2 млн.долл., йиллик 12% гача, 5 йилга

Хитой Тараққиёт банки – 75 млн.долл., LIBOR+4,5% йиллик + 3% гача банк маржаси; 7 йилга

Корея ҳукумати кредити 58,6 млн.долл., – CIRR ёки LIBOR + узбек банк маржаси, 5 йилгача;

Германия Федератив Республикаси банклари –Euribor/LIBOR + хор.банк маржаси + банк маржаси, 6 йилгача:

- “Коммерцбанк” – 21,900 млн.долл.,;**
- “Хипо Ферейне Банк” – 6,4 млн.евро.,;**
- “ЛандесБанк Берлин АГ” - лимитсиз;**
- КФВ банки**